БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 162 (18.040). • 14 июль 1981 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА

МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ — МУҚАДДАС БУРЧ

Сурхондарё области. Ангор районидаги Калинин номли колхоз аъзолари ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил олиб, она-Ватан хирмонига 4400 тонна ингичка толали пахта етказиб беришади. Ғўзалар меҳр билан ардоқланиб, парвариш қилинмоқда. Химизаторлар ҳар бир туп ғўзани назоратга олишган. Ҳашарот тушган жой тезда аниқланиб, ўша вақтнинг ўзидаёқ дориланмоқда. Суратларда: (юқорида) ғўза парваришида намуна кўрсатаётган механизатор Н. Хўжаниёзов. Пастда дуркун ўсаётган ғўзалар дориланмоқда.

И. Хўжаев фотолари. (ЎзТАГ).

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1981 йилнинг биринчи ярмида чорвачиликни ривожлантириш юзасидан ўтказилган социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи **Хоразм областида** (область партия комитети секретари ўртоқ Худойберганов, область ижроия комитети раиси ўртоқ Сафоев, область касаба союзлари совети раиси ўртоқ Худойберганова, область комсомол комитети секретари ўртоқ Иброҳимов) қолдирилди. Бу область ҳамма турдаги чорва ва парранданинг кўпайишини таъминлаган, гўшт етиштиришни 14 процент, сут етиштиришни 12, тухум етиштиришни 13 процент кўпайтирган, ярим йиллик гўшт тайёрлаш планини 118 процент, сут тайёрлаш планини 128, тухум тайёрлаш планини 123, жун тайёрлаш планини 107 процент бажарган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Жиззах областига (область партия комитети секретари ўртоқ Боймиров, область ижроия комитети раиси ўртоқ Исломов, область касаба союзлари совети раиси ўртоқ Нормуродов, область комсомол комитети секретари ўртоқ Субхонова). Бу область ҳамма турдаги чорва туёғини ва парранданн кўпайтиришни таъминлаган, гўшт етиштиришни 5 процент, сут етиштиришни 9, тухум етиштиришни 10, жун етиштиришни 23 процент кўпайтирган, ярим йиллик гўшт тайёрлаш планини 120 процент, сут тайёрлаш планини 114, тухум тайёрлаш планини 120, жун тайёрлаш планини 111 процент бажарган, дағал хашак ва ширали озуқа тайёрлаш ҳажмини анча оширган. Байроқ Қашқадарё областидан олиб берилади;

Сурхондарё областига (область партия комитети секретари ўртоқ Каримов, область ижроия комитети раиси ўртоқ Туропов, область касаба союзлари совети раиси ўртоқ Менглиев, область комсомол комитети секретари ўртоқ Аҳмедов). Бу область ҳамма турдаги чорва туёғини ва парранданн кўпайтиришни таъминлаган, гўшт етиштиришни 12, тухум етиштиришни 13 процент кўпайтирган, ярим йиллик гўшт тайёрлаш планини 118 процент, сут тайёрлаш планини 128, тухум тайёрлаш планини 123, жун тайёрлаш планини 107 процент бажарган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Жиззах областига (область партия комитети секретари ўртоқ Искандаров, район ижроия комитети раиси ўртоқ Эрманов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитети раиси ўртоқ Пардаева, район комсомол комитети секретари ўртоқ Қурбонов). Бу район чорва туёғини ва парранданн, ҳамма турдаги чорвачилик маҳсулоти етиштириш ва тайёрлашни кўпайтиришни таъминлаган, йилнинг биринчи ярмида гўшт тайёрлаш планини 156 процент, сут тайёрлаш планини 132, жун тайёрлаш планини 101 процент бажарган ва йиллик тухум тайёрлаш планини 100 процент адо этган. Байроқ Сурхондарё областининг Гагарин районидан олиб берилади;

Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл районига (район партия комитети секретари ўртоқ Нурумбетов, район ижроия комитети раиси ўртоқ Юсупов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитети раиси ўртоқ Йўлдошев, район комсомол комитети секретари ўртоқ Холниёзов). Бу район чорва туёғини ва парранданн, чорвачилик маҳсулотларн етиштириш ва тайёрлашни кўпайтиришни таъминлаган, йилнинг биринчи ярмида гўшт тайёрлаш планини 116 процент, сут тайёрлаш планини 104, тухум тайёрлаш планини 163, жун тайёрлаш планини 177 процент бажарган. Байроқ Андижон областининг Комсомолобод районидан олиб берилади;

Наманган областининг Косонсой районига (район партия комитети секретари ўртоқ Каримов, район ижроия комитети раиси ўртоқ Болтахўжаев, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитети раиси ўртоқ Ғаффоров, район комсомол комитети секретари ўртоқ Абдуллаев). Бу район чорва туёғи ва парранданн, ҳамма турдаги чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтиришни таъминлаган, йилнинг биринчи ярмида гўшт тайёрлаш планини 110 процент, сут тайёрлаш планини 102, тухум тайёрлаш планини 170, жун тайёрлаш планини 146 процент бажарган. Байроқ шу областнинг Чуст районидан олиб берилади.

Йилнинг биринчи ярми якунларига кўра қуйидаги колхозлар, совхозлар ва бошқа корхоналарнинг қуйидаги коллективлари чорвачиликни ривожлантириш юзасидан ўтказилган республика социалистик мусобақасининг ғолиблари деб топилди:

Қорақалпоғистон АССР Элликқалъа районидаги **«Қирққизобод» колхози;**

Самарқанд область Хатирчи районидаги **Киров номли колхоз;**

Андижон область Избоскан районидаги **«Партия XX съезди» колхози;**

Андижон область Комсомолобод районидаги **Мирзаҳмедов номли совхоз;**

Жиззах область Бахмал районидаги **«Рассвет» совхози;**

Сирдарё область Сирдарё районидаги **«Малик» совхози;**

Қашқадарё область Қарши районидаги **«Қаршн» совхози;**

Қашқадарё область Усмон Юсупов районидаги **Автономов номли 24-совхоз;**

Қорақалпоғистон АССРдаги **Тахиатош парранда чилик фабрикаси;**

Ўзбекистон ССР Балиқ саноати давлат комитетининг **Бухоро балиқчилик хўжалиги;**

Фарғона область Риштон район матлубот союзининг **бўрдоқичилик хўжалиги.**



Чорвачилик — зарбдор фронт

МЎЛ ОЗУҚА ЖАМҒАРАМИЗ

Совхозимиз қўйчиликка ихтисослаштирилган. Ҳозир яйловларда 80 минг бош қўй боқиляпти, шундан 61 минг боши совлиқ. Қўйлар сонини 100 минг бошга етказишни бош вазифа қилиб қўйганмиз. Совлиқлардан кўзи олиш, қоракўл тери тайёрлаш планлари муваффақиятли адо этилди.

Бу йил яна бир муҳим вазифани ҳал этмоғимиз керак. Гап чорва маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан қабул қилинган мажбуриятларни бажариш устида бораяпти. Чорвадорларимиз тайёрлов ташкилотларига 850 тонна гўшт, 250 тонна жун армуғон этишлари лозим. Бу топшириқнинг анча қисми бажарилди.

Туёқ сони ва маҳсулотларни кўпайтиришда мустаҳкам озуқа базасига эга бўлиш муҳим шартдир. Бошқачасига айтганда, чорва моллларнинг юқори семизликда бўлишини таъминлаш, планда кўзда тутилган миқдорда озуқа жамғариш, биноларни қишловга яхши созлаш маҳсулот мўл-кўллиги бунёдга келтиришга қўйилган пойдевордир.

Совхозимиз коллективи шуни назарда тутиб, ҳар бош қўй ҳисобига 3 центнердан озуқа тайёрлашга аҳд қилди. Мавсумда ялпи тайёрланган хашак миқдорини 48 минг тоннага етказишимиз керак. Шу мақсадда тўртта механизациялашган бригада ташкил қилдик. Бригадаларга совхоз комсомол комитетининг секретари Қ. Ботиров бошчилик қиляпти. Бу коллективларга биркитилган 200 дан энёд ишчи 48 техника воситаси ёрдамида Қизилқум массивида ўт ўримини тезкорлик билан олиб боряпти. Ўрилган ўт қишлов жойларига келтириб қуритиляпти, майдаланяпти. Хашакнинг исроф бўлишига йўл қўйилмаяпти. Иш яхши ташкил этилганлиги, қум барханларида табиий ўтлар яхши ўсганлиги туфайли кунлик график ортиғи билан бажарилаётир. Яқин фурсатда 48 минг тонналик маррани эгаллаймиз.

Совхозимиз территориясида суғориладиган ўтлоқлар ҳам бор. Ҳозир иккинчи беда ўримини тугаллаб, учинчисини давом эттиряпмиз. Бу борадаги топшириқ ҳам муваффақиятли бажарилади. Чорва қишлайдиган биноларни ремонт қилиш кун сайин кучайтирилмоқда.

Жамғарилган хашакни сақлаш, аралаш озуқалар тайёрлаш, қишлов жойларига келтириб қўйиш устидан мутахассислар, ем-хашак бригадаларининг аъзолари масъулиятини оширишимиз керак. Ҳозир қишлов учун етарли миқдорда ем-хашак жамғаришнинг айни пайти. Қишлов даврида озуқадан ёрдам сўраб идорама-идора юргандан кўра барча резервларни ишга солиб, шу кунларда ҳар бир хўжаликда камида бир ярим-икки йиллик планга тенг озуқа жамғаришга эришайлик!

П. СУЛАЙМОНОВ,
Коннмех районидаги «Шофиркон» совхози директори.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ЗАРБДОР ҚУРИЛИШЛАРДА

ЖАНГОВАР ШИОР

Ўзбекистон металлургия заводининг янги прокат стани бош корпуси қурилиши бошлаб юборилди

«Бекобод заводида пўлат ва прокат ишлаб чиқарувчи қувватлар ривожлантирилсин».

(КПСС XXVI съезди тасдиқлаган Асосий йўналишлардан).

БЕКОБОД («Совет Ўзбекистони» мухбирларидан). В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи — республикамиз саноатининг фахри, индустриямизнинг кўз-кўз қилса арзигули корхонаси. Улуғ Ватан уруши ниинг оловли йилларида партия иродаси билан бунёд этилган завод азим Сирдарё соҳилида қаҳрамон совет халқи меҳнат жасорати рамзи сифатида мағрур қад ростлаб турибди. Бу даврда бир неча миллион тонна пўлат эритилди, прокат маҳсулотлари тайёрланди. Ишлик сирланган идишлар цехи қурилиб, ойдаланишга топширилди. Электрда пўлат эритиш комплексининг дастлабки навбати барпо этилди. Шу тариқа завод улкан саноат масканига айланди.

Ҳозир комплекснинг учта печидан йилига бир неча юз минг тонна пўлат олиняпти. Ўн биринчи беш йилликнинг охиригача яна иккита электр печь қурилади. Заводдаги мавжуд прокат цехининг қуввати эски мартен цехида эритилган пўлатни прокатлашгагина етарли, холос. Шу сабабли электрда эритилган пўлат эса прокатлаш учун Уралга жўнатиляпти. Бунинг учун қанчадан-қанча темир йўл вагонлари банд эканлигини, кўплаб ортиқча меҳнат ва маблағ сарфланаётганини тасаввур қилиш қийин эмас.

— Демак, — дейишди корхона раҳбарлари, — янги, катта «300» стани қуриш керак. Ягона йўл шу.

1979 йилнинг иккинчи ярми. Бош пудратчи — «Ўзбекметаллургстрой» трестининг 1-қурилиш-монтаж бошқармаси, ёрдамчи пудратчилар: «Ўзстальконструкция» ва «Ўзтрансспецстрой» трестларининг Бекободдаги бошқармалари, «Ўзстройменханизация» трестининг 16-кўчма механизациялашган колонна сн коллективлари прокат станини бунёд этишга киришдилар.

Вақт — оқар сув. Ҳа-ҳу дегунча, икки йилга яқин вақт ўтди. Қурилиш майдонидаги бугунги манзара кишн кўзини қувнатади. Лойиҳага кўра, «300» стани қарийб юз минг квадрат метр майдондаги корпусда жойлашиб, унинг баландлиги 23 метр бўлади. Азамат қурувчиларнинг қўлни-қўлга бериб, фидокорона ишлашлари туфайли корпус асосий синчларининг, колонна ва кран устуналарининг, станга эҳтиёт қисмлар тайёрловчи цех биносининг пойдеворлари биткизилди. «Ўзбекметаллургстрой» бригадалари темир-бетон устуналарни ўрнатишни бошлаб юборишдилар. Тўшаладиган том блокларини йиғувчи конвейер ишга туширилди. Корпус ичида эса қизитиш печлари ва бошқа технология қурилмалари ўрнатиш учун котлованларни ҳозирлашяпти. Бош корпус қурилиши билан айни пайтда душхоналари ва ошхонаси бор маъмурий-маиший бино, подстанция ҳамда сув таъминоти комплекси ҳаждал тикланяпти

Қурилишда суръат отига қамчи босиб ишлаётганлар жуда кўп. Мана, танишинг: Билол Осмонов, Сергей Тиртичний, Леонид Углов, Афанасий Тен, Павел Ли, Эрташ Ниёзқулов, Анатолий Арсловов... Улар етакчиларидаги бригадалар бетон қуйишда, металл конструкцияларини монтажлашда, пардозлаш ишларида ҳамиша пешқадам. Мазкур коллективлар зиммаларига юкланган топшириқларни нормада белгиланганидан анча олдин ўриниатиб, бутун қурилиш бўйича иш суръатини оширишга мустаҳкам замин тайёрлашяпти.

Янги стан амалда турли шакл ва ўлчамдаги хилмахил металл прокати тайёрлайдиган йирик завод бўлади. Унинг йилига 600 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга биринчи навбати 1983 йилда, иккинчи навбати эса беш йилликнинг охиригача фойдаланишга топширилиши керак. Шунда бекободликлар ҳар йили 1,2 миллион тоннага яқин турли профилдаги арматурабоп думалоқ ва тилим-тилим прокатлар тайёрлай оладилар.

Стан қурилишининг биринчи навбатида жами 75 миллион 430 минг сўм капитал маблағ ўзлаштирилиши, шу жумладан 42 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши лозим. Қурилиш кўламининг нақадар улуғворлигини кўрсатишга шу рақамларнинг ўзи кифоя қилар.

Бекободда тикланаётган «300» прокат стани фантехника тараққиётининг гултожисидир. Масалан, икки йўлли автоматлашган линиялар электрон-ҳисоблаш машиналари ёрдамида бошқарилади. У маҳсулот сифатини яхшилабгина қолмай, меҳнат унумдорлигини анча оширади. Яъни линия валиклари орқали секундига 20 метр узунликдаги металл олинади. Бу — ҳозиргидан уч баробар кўп, демакдир.

Бинокорлар ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида стан қурилишида 7 миллион сўм капитал маблағни ўзлаштириш, хусусан, 6 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини эплаш мажбуриятини олишган. Йилнинг биринчи ярмида айрим сабабларга кўра йўл қўйилган нуқсонларни тугатиш, юксак мажбуриятга яраша ишлаш — уларнинг жанговар шиори.

МУБОРАК ГАЗ КОМПЛЕКСИ ҚУРИЛИШИДА

ҚУВВАТИ ЛОЙИҲАДАН ЮҚОРИ

Инженерлик практикасида бундай ҳол жуда оз учраган: ишга туширш ва созлаш ишлари жараёнида объект лойиҳадаги қувватдан бир ярим баравар ўзиб кетди.

Бу воқеа янги Денгизкўл-Ҳовузак газ конида рўй берди. Лойиҳага кўра, қудуқдан келувчи ёқилғини газни комплекс тайёрловчи икки қурилмага бериш кўзда тутилганди. Бу қурилмаларнинг ҳар бири йилига бир миллиард кубометр, жами эса 2 миллиард кубометр газ ўтказади. Нагрузка зўрайган пайтда асосий қурилмалардан бири ишдан чиқиши мумкинлигини назарда тутиб, уларнинг ёнида учинчи резерв қурилмани монтаж қилиш мўлжалланганди.

Газни комплекс тайёрлайдиган ҳар бир қурилма-аралашма ютувчи, иссиқ алмашловчи аппаратлар, совитувчи дросселлар, регенераторлар, қувурлар, насослар, бошқарувчи ва назорат қилувчи приборлардан иборат катта бир комплексдир. Шу кўп тоннали қурилмаларда газ конденсатдан тозаланади. Заводга қайта ишлашга юборишдан олдин керакли температурага қадар қуритилади. Қурилмаларни қардош Туркманистондан келган коллектив — «Наипгазстрой» трестига қарашли 3-бошқарма ва унинг ёрдамчи пудратчи ташкилотлари қурди ва монтаж қилди.

Учала қурилма социалистик мажбуриятда кўзда тутилган аниқ муддатда, нормада белгиланганидан анча барвақт монтаж қилиниб бўлди. Иш сифати шу қадар юксак бўлдики, нима учун фақат иккита қурилма ишлаб, учинчиси бекор туриши керак, деган савол ўз-ўзидан келиб чиқди.

— Ахир, резерв керакда...

— Ҳа, резерв керак, — дейди «Мубарекгаз» бошқармасининг бошлиғи И. Р. Келеш. — Албатта керак. Биз мусобақа чоғида қурувчиларнинг ҳам, бизнинг ҳам тежаб қолган вақтимиз бор, деб ўйлаб қолдик. Ҳозиргина хатта ишни битириб тажриба орттирган ишчилар ва инженерлар бор. Бунинг устига яна бир қурилма учун машиналар комплекти бор: у муддатидан бир неча ой илгари бошқа бир кон учун юборилганди. Хўш, шу ускуналарни нима учун бу ерга, Денгизкўлга юориб бўлмас экан? Ахир, келгусида барибир тўртинчи қурилмани ҳам монтаж қилиш тўғри келади. Кон яна ривож топади.

Шундай қилиб, лойиҳачилар — «Нипигаздобича» институтининг Новосибирск филиалидан шошилинч маслаҳат сўрадик. Улар таклифимизни ўрганиб чиқиб, маъқулладилар. Пудратчилар эса, пландан ташқари ишни бажаришга бажонидил розн бўлдилар. «Союзузбекгазпром» автомобилчилари эпчиллик қилиб қисқа муддат ичида майдонга агрегатларни келтириб бердилар. Уларнинг баъзилари 100 тоннадан ҳам оғир эди...

Хуллас давлат комиссияси янги газ комплексини қабул қилиб олиш тўғрисидаги актни имзолайдиган пайтга келиб унга учта эмас, балки тўртта тайёр қурилма кўрсатилди. Энди Денгизкўл-Ҳовузак кони йилига 2 миллиард эмас, балки 3 миллиард кубометр ёқилғи берадиган бўлди.

Шундай қилиб, Мубарак газ комплексининг энг яхши қурувчиларига ой сари бериб туриладиган кўчма Қизил байроқ июнь ойининг якунларига кўра, «Наипгазстрой» 3-қурилиш бошқармасининг коллективига берилганлиги бежиз бўлмади. Муносиб мукофот!

(ЎзТАГ мухбири).

БОҒБОНЛАР ҒАЛАБАСИ

ТОШЛОҚ РАЙОНИНИНГ боғбонлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун мусобақалашиб, хўл мева тайёрлаш ва давлатга сотиш планини муддатидан илгари бажардилар. Топшириқдаги 1150 тонна ўрнига 1170 тонна хўл мева тайёрлов пунктларига жўнатилди.

Район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари планга қўшимча равишда яна камида 4 минг тонна хўл мева тайёрлаш режасини тузиб олдилар.

(ЎзТАГ).

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин бошчилигидаги КПСС делегацияси Польша Бирлашган ишчи партиясининг IX фавқулодда съезди ишида қатнашиш учун ПБИП Марказий Комитетининг таклифига биноан 13 июль куни Москвадан Варшавага жўнаб кетди. Делегация составида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Я. Киселев, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг ПХРдаги элчиси Б. И. Аристов бор.

Аэродромда делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

Шу куни КПСС делегацияси Варшавага етиб келди.

Окенче аэропортида делегацияни ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Каня, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг Раиси В. Ярузельский, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида 13 июль куни мукофотлар топшириш маросими бўлди. План ва молия органларининг, республика бир қанча давлат комитетларининг, касаба союз ташкилотларининг ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган социалистик мусобақада ўрнак кўрсатган ходимлари СССР орден ва медалларини олдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев мукофотланганларни самимий табриклади, уларга сиҳат-саломатлик, меҳнатда янгиданянги муваффақиятлар тиласди.

(ЎзТАГ).

ИНТЕРНАЦИОНАЛ БУРЧГА САДОҚАТ: ЎЗБЕКИСТОН—НОҚОРАТУПРОҚ ЎЛКАГА

БУЮК ХАЛҚ ҲАШАРИ

Сўз—қадимий Новгород диёрида ишлаётган ҳамюртларимизга

НОҚОРАТУПРОҚ ЗОНАНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИРИҚ УМУМДАВЛАТ ВАЗИФАСИГА АЙЛАНМОҚДА. БУ ВАЗИФАНИ МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН ҲАЛ ЭТИШ МАМЛАКАТНИНГ АНА ШУ РАЙОНИНИ ФАҚАТ ТУБДАН ЎЗГАРТИРИШ ИМКОНИНИГИНА БЕРИБ ҚОЛМАСДАН, БАЛКИ БИЗНИНГ БУТУН ҚИШЛОҚХЎЖАЛИГИМИЗНИ, АЙТИШИМ МУМКИНКИ, БУТУН СОВЕТ ЭКОНОМИКАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҲАМ ЕРДАМ БЕРАДИ.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

НОВГОРОД — революция қаҳрамонларини, Европа ҳалоскорларини, замин ва космоснинг илк забткорларини етиштирган Россиянинг қадимий рус ери. Қилин қирқ ёрувчи зукко тарихчиларнинг далолат бериши ча, Новгород 1100 ёшда деб ҳисоб қилинади. У қадимий, айни вақтда навқирон ҳам. Унинг пойнга ёмон ишлат билан келган қанчадан-қанча ёв галалари ер тишлаган, қочиб қутулган, қайтиб келишга юраги дов бермаган.

Улуғ рус ерининг бу қутлуғ остонасини гитлерчи босқинчилардан омон-эсон сақлаб қолиш учун курашларда бутун совет халқи қатори ўзбек ўғлонлари ҳам жон фидо қилганлар. Кўплаб новгородликлар Туркистонда Совет ҳокимиятини барпо этишда, босмачиларни бартараф қилишда бегараз ёрдам кўрсатганлар. Туркистон-Сибирь темир йўли, Катта Фарғона канали қурилишларида Новгород аҳолиси беқиёс мадад берди. Эндигина йилларида Тошкентнинг Чилонзорида Новгород маҳалласи қурилганди. Бугунги кунда Новгородда «Тошкент» совхози барпо этилаяпти.

Буларнинг ҳаммаси ҳаётий ҳақиқат. Улуғ рус халқи билан қадрдонлигимиз, биродарлигимиз, дўстлигимиз қадимийлиги далили. Ерлари қаби қалби ҳам кенг жафокаш рус халқи билан бир сафда эканмиз — кўнглимиз тўқ, бағримиз бутун, ишларимиз юришаверади, ҳар қандай қийинчиликлар ҳам писанд эмас. Бугунги кунда Ўзбекистон қурувчилари, ирригаторлари ва мелиораторлари Новгород ерларида катта яратувчилик ишлари олиб бораётган эканлар, бу — азалий дўстлигимиз, интернационал биродарлигимизнинг ягона ифодаси холос. Совет Иттифоқи халқлари оиласи кейинги йилларда янада аҳиллоқ ҳаёт кечирмоқда. Ватанимизнинг у ёки бу ерида социалистик қурилишнинг улкан вазифаларини ҳал этишда мамлакатимизнинг барча халқлари, қардош республикалар, ўлка ва областларнинг вакиллари фаол иштирок этаётгани ҳаётимизнинг ажойиб анъанаси, табиий қонунига айланиб қолганлиги эндиликда ҳайратланарли эмас.

Ноқоратупроқ чорлаганда, Новгород ерларини яшнатиш вазифаси қўйилганда серқуёш ўлкамиз ишчи ва мутахассислари биринчилар қатори йўлга отландилар, янги ерларни ўзлаштириш борасида Узбекистонда тўпланган бой тажрибаларини бепоён рус ерида қўллашга шай эканликларини баралла намойиш этдилар. Узун эшелонлар тузиб, етук мутахассислари, уста ишчилари, зарур анжомларию бинокорлик материалларини ҳам олиб Новгород областига ошиқдилар.

Ушандан бўён олти йил вақт ўтди. Бу йиллар ичида дўстлигимиз янада мустаҳкамланди, биродарлигимиз, ўзаро алоқаларимиз тағин ҳам кучайди. Улуғ рус ерини унумдор қилиш, Ноқоратупроқ ўлканн тараққий эттиришга қаратилган умумхалқ юришида, бизнингча айтганда — Бутуниттифоқ ҳашарида Ўзбекистон қурувчи, мелиоратор ва ирригаторлари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Умумхалқ ҳашарининг забткор кучи Россиянинг Ноқоратупроқ ўлкасида катта куч бўлиб хизмат қилаётган шу кунларда Новгороддаги ҳамюртларимиз ҳузурида бўлдик. Улар КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш учун кураш жабҳасида қўлга киритилган муваффақиятлар, илғор иш тажрибалари, баракали меҳнат ва катта бунёдкорлик ишлари тўғрисида сўзлаб бердилар:



Суратларда (чапдан) «Узпарфиноводстрой» бошқармасига қарашли 1-механизациялашган кўчма колоннанинг илғор мелиораторлари: А. Умаров, Ю. Скорняков ва Х. Валиев ўртоқлар. Унгда эса сизот сувларни оқизиш учун қўйилаётган қувурлар.

Ф. Ишченко фотоси.

Куч-қудратимиз манбаи

Г. МАГАРАДЗЕ,

«Узновгородводстрой» трести бошқарувчиси

НОВГОРОД область партия комитетининг яқинида бўлиб ўтган бюро мажлисида таъкидлаб ўтилганидек, область қишлоқ хўжалиги ходимларининг муваффақиятига серқуёш ўлка вакиллари катта ҳисса қўшмоқдалар. Ўзбекистон ССР билан Новгород оралиғи мингдаб километр бўлса-да, қардошлигимиз, мустаҳкам дўстлигимиз амалий ишда жуда катта фойда келтираётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Областдаги Ноқоратупроқ ерларни ўзлаштиришда ўзбекистонлик тажрибали қурувчилар, мелиоратор ва ирригаторлар мардона меҳнат қилаётганликларидан миннатдормиз.

Обком бюро мажлисидаги бу гап шарҳга муҳтож эмас. Совет Иттифоқи халқларининг муваффақияти — ўзбек халқининг ҳам муваффақияти. Ўзаро муваффақиятлар кучимизга-куч, экономикамиз қудратига-қудрат қўшади. Бу эса, совет халқлари мустаҳкам дўстлигининг моддий ифодаси. Совет халқининг манфаатлари муштарак. Уларнинг мақсади ҳам, интилиши ҳам, орзу-умиди ҳам бир. Бир оила фарзандлари каби аҳил ва бир-бирига мададкор. Совет жамиятини ҳаракатлантирувчи энг қудратли куч — халқлар дўстлиги аслида ана шундан бошланади.

Дўстлик бошга қийин иш тушганда билинади. Қийин дақиқаларда бир-бирини суяган, мадад берган дўстлик абадийдир. Новгород ерларини ўзлаштириш, бу жойда янги совхозлар қуриш, йўллар барпо этиш, кўркам поселкалар тиклаш ҳам кенг кўламли, катта иш. Бу ишга Ўзбекистон вакиллари ҳам баракали ҳисса қўшаётирлар. Дастлабки икки колоннамиз 1974 йилнинг кузида, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасида қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттириш тадбирлари тўғрисида»ги тарихий қарориданқейинок Новгород областига келган эди. Ҳозир «Узновгородводстрой» трестида олтита шундай бўлинма ишлаб турибди. **Олти йил мобайнида пахтакор ўлка вакиллари 16 минг 400 гектар ернинг захини қочириб, 648 гектар майдонга сув чиқардилар. Экинзорга айлантирилган майдонлар 15 минг гектардан зиёд. Фойдаланишга топширилган уй-жой бинолари салкам 40 минг квадрат метрни ташкил этади.**

Учинчи беш йиллик Ноқоратупроқ ўлка жамолини ўзгартиришда катта босқич бўлди. Республикамиз мелиораторлари областнинг етти районида иш олиб бораётирлар. Улар ерларни қуритиш — сувини қочириш, сугориладиган ерларни ўзлаштириш, «Тошкент» ва «Дружба» совхозларини қуришдан иборат кенг ҳажмдаги ишларни тезкор усулларда адо этяптилар. Бундан ташқари, ихтисослашган кўчма механизация колонналаримиз учун таянч базалари ҳам қурилмоқда. Ҳамюртларимиз фақат мелиорациялаш ишларидагина қатнашаётганлари йўқ. Улар сут, гўшт, сабзавотчиликка ихтисослашган комплекслар ҳам бунёд этмоқдалар. Социал-маданий ва маиший хизмат кўрсатадиган объектлар тикланяпти. «Волна революции» совхози деҳқонларига ҳозирнинг ўзидаёқ юзлаб гектар ерлар топширилди. **Қисқа вақтда Шимск поселкасида болалар боғчаси, ошхоналар, Волот поселкасида магазин ҳамда бошқа маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилди. Учинчи беш йилликда трест бўйича жами бажарилган иш ҳажми 49,5 миллион сўмликни ташкил қилди. Ado этилган қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми 44 миллион сўмликдан ҳам ортиб кетди.**

Жонажон партиямизнинг XXVI съезди мамлакат қишлоқ хўжалигини устун даражада ривожлантиришнинг улкан программасини белгилаб берди. Биз, Ўзбекистондан келган мутахассислар Ноқоратупроқ ўлка ерларида баракали меҳнат қилиш билан съезд кўрсатмаларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшаверамиз. Трест ихтиёридаги барча бўлинмалар коллективлари имкониятлардан самарали фойдаланиб, янги резерварни дадиллик билан ҳаракатга келтириб, ўн биринчи беш йиллик дастлабки олти ойини катта зафарлар билан якунладилар. Юзлаб гектар ернинг сувн қочирилди. Бу соҳадаги план бажарилди. Ерларни илдиз, тош ва бошқа нарсалардан тозалашдан иборат маданий-техникавий тадбирлар плани 109 процент адо этилди. Уй-жой бинолари қуриб, фойдаланишга топшириш 107,2 процентни ташкил қилди. Пудрат ишлари юзасидан белгиланган программа 108 процент бажарилди.

Ўзбекистон мелиораторлари Новгород диёрида олиб бораётган ишлар қисқа муддатли оталиқ қилишдан иборат эмас. **Новгородда ишлаётган ўзбекистонликлар ўн биринчи беш йилликда камида 70 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштириш учун социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар. Улар ҳозирноқ 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган аниқ режаларни белгилаб олишди.**

Албатта, катта ишда қийинчиликлар юз бериши табиий. Ишимизда камчиликлар мавжуд. Лекин уларни маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг яқиндан бераётган кўмаги туфайли бартараф қилиб боряпмиз, Новгородда қуёшли кунлар кам бўлади. Ҳаво очиқ бўлган ойлардан самарали фойдаланиш мақсадида, ишни объектларда икки-уч сменада ташкил қилиш тадбирларини кўрмоқдамиз.

Шубҳа йўққи, Новгород ва Ўзбекистон меҳнаткашларининг биргалиндаги кучгайрати Ноқоратупроқ ўлканинг имкониятларини ишга солиш, бу ўлканинг қишлоқ хўжалигини барқ урдириб ривожлантиришдан иборат улуғвор программани муваффақиятли амалга оширишга хизмат қилади. Ўз навбатида бу — ўзаро алоқаларимиз, дўстлигимиз ва қардошлигимизни, кўп миллатли Ватанимиз қудратини яна ҳам мустаҳкамлаш тарихида ёрқин саҳифа бўлажак.

Сув келтирган азиз

Т. ЛУҚМОНОВ,

9-ихтисослашган кўчма механизация колоннасининг бош инженери

РЕСПУБЛИКАМИЗДА қардош халқлар ҳамкорлиги туфайли ирригация ривож топди, сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида бой тажриба тўпланди. Сув масаласининг ҳал этилиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш истиқболларини очиб берди. Бу, республика мелиораторларининг катта зафари. Шунга таяниб қишлоқ хўжалигидан йил сайин барқарор ҳосил олиш йўлга қўйилди. Ана шу тажриба Ноқоратупроқдаги ишларимизда жуда қўл келяпти.

Сув келтирган элда азиз. Сув келтирганлар бизнинг юртимизда эзъозда бўлгани каби ирригаторлар Ноқоратупроқ ўлкада ҳам азиз. **Бизни Новгородда қизғин кутиб олишганига беш йилдан ошиб кетди. Шу йиллар ичида колоннамиз 226 километр узунликда каналлар қуриб берди. 2160 километрлик ёпиқ зовурлар барпо этдик. Ҳар секундда 2,2 кубометр сув ўтказа оладиган насос станция фойдаланишга топшириди. 7,5 километр қувур-арқларни ишга туширдик. Жами 3650 гектар ерни тайёрлаб, Ноқоратупроқ ўлка қишлоқ хўжалиги оборотига киритишга муваффақ бўлдик.**

Колоннамиз барпо қилган сув йўллари қишлоқ хўжалигини юксалтиришга хизмат қила бошлаганидан бахтиёрмиз. Бу катта ишда ҳамюртларимиз — қувур ётқизиш крани машинисти Шариф Жўраев, Андижондан келган шофёр Набижон Аҳмедов, бульдозерчи Ильгис Ботиров, Фарид Фасхуддинов, экскаватор машинистлари Юрий Макаров, Иван Тюсов ва бошқалар фаол иштирок этиб, новгородликлар эъзозига сазовор бўлмоқдалар. Улар Ўзбекистонда энг тажрибали механизаторлардан эдилар. Бу ерда уларнинг тажрибаси яна ҳам ортиб, смена топшириқларини мунтазам 1,5—2 ҳисса адо этишнинг уддасидан чиқаётирлар.

Ноқоратупроқ ўлка биз каби ёшларнинг ҳаётида ўчмас из қолдиряпти. 1974 йили Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини тамомлаганимдан кейин — институт комсомол комитетининг секретари бўлиб ишлаётганимда Ноқоратупроққа партия даъвати қалбимга чўғ солди. Оилам билан Новгородга отландик. Турмуш ўртоғим гидротехник инженер бўлиб ишлаяпти. Ўглим Темур Тошкентда туғилганди, ҳозир тўртинчи синфга кўчди.

Касбим билан фахрланаман. Мелиоратор — ерни яшнатувчи дейишади. Бу касбим Новгородда. Ноқоратупроқ ўлкада ҳам асқотаётган экан, сув келтирган азизлиги шу эмасми!

Улғайиш имтиҳони

И. ТУРДИЕВ,

Волот районидаги 4-ихтисослашган кўчма механизация колоннасининг экскаваторчиси

— ЎЗИМ Андижонданман. Касби йўқ бир қишлоқ йигити эдим. Акам Новгороддан мактуб ёзувди, қанот пайдо қилиб учиб келдим. Шунга ҳам уч йилча бўлиб қоляпти. Сирасини айтсам, бу ўлканинг мафтуни бўлиб қолдим. Қишки совуғига ҳам ўрганиб кетдик. Ям-яшил ўтлоқлар. Бири-биридан зилол қўлларо айқириб оқаётган дарёларини айтмайсизми!

Мана, ўзимдан қиёс. Касбим йўқ эди. Касбли бўлдим. Олдин ёрдамчи ишчи эдим. Астойдил берилиб ишладим. Ишт терувчиликни ўрганиб олдим. Кўрдимки, механизаторларга талаб катта. Машинистга ёрдамчи бўлдим. Устозим ўтган йилдан бошлаб экскаваторни ишониб топширди. Энди экскаваторда мустақил ер қазиш ишларини бажаряпман.

Касбсиз йигитнинг машинист бўлгани завқини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Кейинги вақтларда мен ишлаётган **колонна коллективи 2800 гектар ерни ўзлаштириб топширди. Бунда мен каби ёш бир ишчининг ҳам озгина улуши борлигидан қувонаман. 6500 квадрат метр уй-жой бинолари қад кўтарди. Бунда ҳам ҳиссам борлигидан мамнунман. 100 ўринли ётоқхона биноси тикланди. Унинг пойдеворини ўз экскаваторим билан қазиб берганман. Ошхона, магазин бинолари қурилди.**

Бу ерда ишлаётганларнинг ҳаммаси улгаймоқда, касбини такомиллаштиряпти, уй-жойли бўляпти. Қўшимча касбларни ўзлаштириб оляпти. Орден ва медаллар билан мукофотланаётганлар бор. Мисоллар келтирайми? Марҳамат: акам Рафиқжон уста экскаваторчи бўлиб кетди. Шу ерда партия сафига қабул қилинди. Яхши ишлаганлар қаторида «Золотое Руно» санаторийсида масза қилиб ҳордиқ чиқариб келди. Иккаламиз қўш хонали уйга кўчиб кирдик. Андижонга —укамга ҳам мактуб йўлладик. У ҳам Ноқоратупроқ имтиҳонидан ўтгани келмоқчи.

Ўз касбини севган, уни улуғлаган ажойиб кишилар билан бирга меҳнат қилаётганимдан фахрланаман. Бульдозерчи Евгений Трусовнинг номини бу ерда ҳурмат билан тилга олишади. У фидокорона меҳнатлари эвазига РСФСРда хизмат кўрсатган механизатор деган юксак унвонга мушарраф бўлди. Механизатор Феофан Зернов эса ўтган беш йиллиқдаги самарали меҳнатлари эвазига «Ҳурмат Белгиси»ни ордени билан тақдирланди. Яқинда экскаваторчи Иван Ивановнинг кўксини «Ноқоратупроқ ўлкани ўзлаштиришдаги актив фаолияти учун» нишони безади. Куни кеча колоннамизда машинист Николай Викторов шарафига Меҳнат шуҳрати байроғи кўтарилди. Бунга у сменада эғи кўп тупроқ ишларини бажаргани туфайли сазовор бўлди.

Мен орзу қилган одамлар — ана шу кишилар. Мен шулар сафидаман. Улардан илғор тажрибаларни ўрганиб оляпман. Шуларга эргашаман. Яхшига эргашган муродига етиши табиий. Яхшилар изидан бориб, улғайиш имтиҳонидан ўтяпман.

«Оқ олтин» ўлкаси вакилларидан миннатдормиз

Л. ШЕНИКОВ,

«Новгородсовхозводстрой» директорининг ўринбосари

— БИЗ ўзбекистонликлар тайёрлаган ерларни қабул қилиб олиб, деҳқончилик қиламиз. Тайёр совхоз посёлкалари ва унумдор ерлар бизга туҳфа қилинаётганлигининг ўзи дўстлигимизнинг рамзидир. Бизнинг ерларимизда, Новгород диёрида ишлаб, Ўзбекистонда ерларни мелиорациялаш тажрибасини баҳам кўраётган дўстларимиз меҳнати ибратли эканлигини таъкидлаб ўтишни лозим кўраман.

Бир неча йил бўлдики, биз, новгородликлар ўзбекистонлик қурувчи, ирригатор ва мелиораторлар билан яна ҳам иноқлашиб кетдик. Улар бизга катта мадад кўрсатишаётганидан мамнунлигимизни қай сўз билан ифодалашга ҳайронман. Новгород областидаги «Тошкент» совхозини Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли «Узновгородводстрой» трести амалга оширяпти. Бизда қадимдан «Лесной» деб номланувчи қишлоқ бўлғувчи эди. У ботқоқлик ўрмон билан қуршалган. **Худди мана шу ерда агрокомплекс барпо этиляпти. У ҳар йили 5,5 минг тонна сут, 26 минг тонна сабзавот етиштирадиган бўлади. Бу — кўпми ё озми? Қиёслаш учун мана бу мисолни келтириш ўринли бўлар: Беш ярим минг тонна сутни ташиш учун оддий поезд эмас, ҳатто жуда оғир юк кўтара оладиган эшелон зарур. Йигирма олти минг тонна сабзавотга келганда шуни айтиш керакки, бутун Новгород области бўйича 1975 йилда шунча маҳсулот етиштирилган эди.**

Ўзбекистон Новгородга ёрдам кўрсатиб, ана шундай катта ишга қўл урди. Беш йиллик охирига бориб, ана шу комплекслар қурилиши бутунлай тугалланади ва бизнинг ихтиёримизга — Новгород қишлоқ хўжалиги системасига доимий фойдаланишга топширилади. **Ўша вақтга борибб, 3000 гектар қуритилган торф майдонлари ҳам ҳосил бера бошлайди. Суғориш системаси 1600 гектар майдондан мўл ҳосил олишни йўлга қўяди. Яхлит экин майдонлари, қишлоқ ва ёзлик теплицалар, 1200 сигирга мўлжаллаб қурилган ёруғ ферма бинолари, мевасабзавот сақланадиган омборлар, равон йўл хўжалиги — мана шуларнинг ҳаммаси совхоз ихтиёрида бўлади.**

Шуниси диққатга сазоворки, Новгород ерларини ўзлаштиришда Узбекистонда тўпланган тажрибага амал қилиняпти. Ўртоқ Л. И. Брежнев съездда таъкидлаганидек, ниҳоят ривожланган йўл шохобчалари, ишончли транспорт, элеваторлар, омборлар, холодильниклар, ҳидиш хўжалигига эга бўлмай туриб самарали агросаноат комплексини ҳамда замонавий қишлоқларни тасаввур қилиш қийин. Мана шу бўғинларнинг ҳар бирида рўй берадиган тартибсизлик, оқсаш пировардида маҳсулот миқдори ва сифатига албатта таъсир қилади. Новгороддаги совхозлар қурилишида ана шу талабларга яраша иш тутилаётганлиги айни муддаодир.

Биз ўзбек халқининг пахта етиштириш билан довруқ қозонганини жуда яхши биламиз. Ўзбекистонликлар фақат пахта эмас, умуман қишлоқ хўжалигини юксалтиришда ҳам ўзига хос катта мактаб яратганликларидан хабардормиз. Бу билан биз ҳам фахрланамиз. Улар ери синашта бўлмаган Новгород далаларида ишлаш маҳоратини қисқа муддатларда жуда яхши ўзлаштириб олдиларки, бунга тасаннолар айтиш ўринли бўлар. Қақроқ ерлар, қум барханлари ўрнида деҳқончилик қилиш сирларини тўла ўзлаштириб олган пахтакор биродарларимиз Ноқоратупроқ ўлканинг деҳқончилик маданиятини юксалтиришга ҳам баракали ҳисса қўшаётирлар. Бу — дўстларга хос амалий ёрдам, бу — дўстларгагина хос жонкуярлик намунаси.

Ташаббусга биз ҳам қўшилдик

Т. РАСУЛОВ,

Шимск районидаги 1-ихтисослашган кўчма механизация колоннасининг механизатори

— БЕПОЁН рус ерида ишлашга биринчи эшелонда В. Мимидиминов бошлиқ колоннада келганман. Бизнинг колоннамиз қанчалик бой тажриба тўпланган бўлмасин, барибир ишни бошқатдан бошлашга, ўқиб-ўрганишга тўғри келди. Марказий Фарғона ерларида чўлларга сув чиқариш бошқаю, зах ерларнинг сувини қочириш бошқа иш экан.

Шунга қарамай, ўтган йилларда **Шимск районида бизнинг колоннамна 254 километр магистрал канал қазиб берди. Келганимиздан бери қазилган зовурлар 4 минг километрга етади. Ҳамкасбларим ўз маниналари қувватидан самарали фойдаланишни ўзлаштириб олганликлари натижасида 6 миллион кубометр тупроқ ишларини уддаладилар. Бульдозерчилар далалардан 100 минг кубометрга яқин харсанг тошларни қазиб олишди. Захи қочирилган ҳамда экинзорларга айлантирилган ерларнинг умумий майдони 12 минг гектардан ортиб кетди. Дала ҳамда посёлка қурилишида бажарилган ишлар сарҳисоб қилинадиган бўлса, у 11 миллион сўмликдан ҳам зиёдни ташкил этади.**

Мен раҳбарлик қилаётган экскаваторчилар экипажи 1981 йил ярим йиллик якунига кўра социалистик мусобақада голиблар сафидан ўрин олди. Бу, бизнинг ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан республикамиз ўн беш илғор қурувчи ва монтажчисининг бир беш йилликда икки беш йиллик ва ундан ҳам кўпроқ иш бажариш ҳақида бошлаган ватанпарварлик даъватига амалий жавобимиздир. Ўтган беш йилликда шахсий нормамни 4 йилга етмаёқ уддаладим эдим. Ҳозир 1984 йил ҳисобига иш бажармоқдаман. Қатор ҳамкасбларим ҳам ўн биринчи беш йилликда икки беш йиллик ҳажмида иш бажариш мажбуриятини қабул қилдилар.

Экскаваторчи С. Ржиий ўтган беш йиллик топширигини уч йилда адо этганди. Ўн биринчи беш йилликда эса ўн бир йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилиб, юксак мажбуриятига яраша мардона ишлаяпти. Г. Султонов, С. Мамутов, Г. Егоров каби механизаторларнинг ҳар сменада бажараётган иши 2—3 нормага тўғри келмоқда.

Экипажимиз — комсомол-ёшлар коллективи. Улар баракали меҳнат қилиш билан бирга, яхши дам олишни, спорт ва бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида қатнашишни ҳам ёқтиришади. Колонна бошлиғининг кабинетига кирсангиз, қатор совринлару дипломларга кўзингиз тушади. Бу — Ўзбекистондан келган ёш қурувчи, мелиоратор, ирригаторларнинг спорт маҳоратига берилган мукофотлар. Ноқоратупроқ ўлкада шундай яшамоқдамиз.

ИСТАКЛАР, ТАЪКИДЛАР

Қадимий Новгороднинг узоқ-яқин қишлоқ ва посёлкаларида — Волотда, Холма, Старая Русса, Шимск, Сольца, Поддарье, Полада бўлганимизда Ўзбекистондан бориб Ноқоратупроқ ўлка қишлоқ хўжалигини тараққий эттиришдан иборат буюк халқ ҳашарида иштирок этаётган қурувчилар, ирригаторлар, мелиораторлар, ишлаб чиқариш командирлари билан суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлдик. Шундай суҳбатлар чоғида улар умумий ишга наф келтирадиган истакларини ҳам таъкидладилар. Баъзиларини эътиборингизга ҳавола қиламиз:

1. Деҳқонга шунчаки текисланган ер эмас, балки ҳосилдор дала керак. Улар шу заминда экин ўстирадилар, маҳсулот етиштирадилар. Новгородлик деҳқонлар таъкидламоқчи. ерларни юқори ҳосил берадиган даражада сифатли тайёрлаб топширишгина умумий ишимизда кутилган натижага эришиш имконини беради.

2. Ноқоратупроқ ўлкада қуёшли кунлар тансиқ. Бу кунларнинг қадрига етиш, ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиш тадбирларини кўриш керак. Шундай тадбирлардан бири — ёзнинг узоқ кунларида икки-уч сменали иш ташкил этилса, машина-механизмлардан фойдаланиш коэффициенти ортиб, бажарилган ишлар ҳажми кўпайиши аниқ.

3. Мелиораторлар диққатга сазовор мулоҳазалар билдирдилар: қийин ишлардан бири — ёпиқ дренажлар ётқизиш. Новгородда ҳам, Ноқоратупроқ ўлканинг бошқа жойларида ҳам оғир ва мўрт сопол қувурлардан фойдаланиб келинмоқда. Қувурлар уланадиган жойнинг ҳаддан ташқари кўплиги, мўртлиги унинг сифатига таъсир қилмоқда. Бизда таннархи сопол қувурлардан икки баравар арзон полиэтилен қувурлар мавжуд. Афсуски, улар оз ишлаб чиқариляпти. Полиэтилен қувурларни ётқизиш суръати ҳам сопол қувурларга нисбатан 4 марта тез. Минг гектар майдонга сопол қувур ётқизиш харажати 4 минг гектарга яқин полиэтилен қувур ётқизишга тенг. Бу — жуда катта резерв. Полиэтилен ишлаб чиқаришни кўпайтириш лозим.

4. Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети ва унинг жойлардаги органлари Новгородга кўплаб ёшларни юбориб турибди. Бу — яхши иш. Шу билан бирга, Ноқоратупроққа юборилаётган комсомол-ёшларнинг бирор касб эгаси эканлиги ҳисобга олинишини истардик. Бу, уларнинг объектга келибоқ дарҳол иш бошлаб юборишларига қулайлик туғдиради.

5. Сольца маданият уйида Ўзбекистондан келган бир гуруҳ ёзувчилар билан бўлган учрашув ҳамон ёдимизда. Ўша адабий кечада ўзбек ёзувчилари қурувчиларга ўз асарларидан ўқиб беришган, кутубхоналар тақдим қилишганди. Шундай учрашувлар яна уюштирилса. Ўзбекистон бадиий ҳаваскорларининг Новгородга сафарларини ҳам орзиқиб кутамиз.

Ноқоратупроқ чорлаяпти! Келажаги порлоқ бу ўлка экономикасини тез суръатлар билан ривожлантиришга мамлакатимизнинг турли томонларидан келган ишчилар, мутахассислар тобора кўпроқ ҳисса қўшмоқдалар. Ноқоратупроқ, жумладан Новгород қишлоқлари буюк бунёдкорлик майдонига айланиб кетди. Бу ерда турли миллат вакиллари қўлни-қўлга бериб, мардона меҳнат қилаётирларки, шу бунёдкор меҳнат бу диёр қишлоқ хўжалигини қисқа вақт ичида тараққиёт чўққисига кўтаришн табиий.

Новгородда ишлаётган Ўзбекистон қурувчилари, мелиораторлари ва ирригаторларининг вакиллари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг партия XXVI съезди томонидан ишлаб чиқилган улкан программасини амалга ошириш ишига катта оталиқ ёрдами кўрсатаётирлар. Улар янги ерлар очмоқдалар, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини кўраётирлар. Натижада яхлит экин майдонлари вужудга келмоқда. Деҳқончиликбоп экинзорлар тайёрланиб, пешма-пеш қишлоқ хўжалиги оборотига киритиляпти. Бу — Новгород экономикасини, айниқса, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади. Ҳамюртларимиз биладиларки, Ноқоратупроқ ўлкани жадал ривожлантириш йирик ўмумдавлат вазифасидир. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш мамлакатнинг ана шу зонасини тубдан ўзгартиришгина қолмай, бутун қишлоқ хўжалигини, бутун совет экономикасини ривожлантириш истиқболларини очиб беради.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,

«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Тошкент — Иваново — Новгород.

ИЛҒОР ТАЖРИБА МИНБАРИ

ПАРВАРИШ—ҲОСИЛ ГАРОВИ

Пахтакорларимиз ҳосилдорликни муттасил оширяптилар. Пахта етиштириш йил сайин кўпаймоқда. Фақат кейинги уч йилда ҳар гектар ердан олинган ҳосил бир ярим баравар ошди ва бултур 39,1 центнерга етди. Ўтган йили давлатга пландан ташқари 637 тонна «оқ олтин» сотилди. Ўнинчи бешйиллик план анча ошириб адо этилди. Пахтакорларимиз КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларига жавобан бу йил ҳосилдорликни 40 центнерга, беш йилликнинг охирига бориб эса 45 центнерга етказишга, пахтанинг ялпи ҳажмини ҳам шунга яраша кўпайтиришга қарор қилдилар.

Хўш, ҳосилдорликни ошириш ва пахта етиштиришни кўпайтиришга қандай қилиб эришиляпти, деган савол туғилиши мумкин. Шуни айтиш керакки, пойтахт областидаги ҳамма колхоз ва совхозларда, шу жумладан бизнинг хўжалигимизда ҳам пахтачиликнинг мустаҳкам моддий-техника базаси вужудга келтирилган. Пахта етиштиришнинг аниқ технологияси қарор топган.

Қатор йиллардан буён бутун областдаги каби, бизнинг хўжалигимизда ҳам ҳосил мўл бўляпти. Энг муҳими у эрта етилтирляпти. Бошқа областларнинг деҳқонлари билан мулоқатда бўлганимизда ҳам кўпинча уларни шу масала қизиқтиради.

Шу муносабат билан пахта етиштириш соҳасида ўтган даврда тўпланган тажриба ҳақида сўзлаш ўринли. Мен унн бу йилги мураккаб шароитда мўл ҳосил етиштириш мақсадида амалга оширилаётган агротехника тадбирлари мисолида кўрсатмоқчиман.

Бизда одатда ҳосил учун кураш кузда ерни шудгор қилишдан бошланади. Деҳқонларнинг «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда» деган нақли бор. Биз пахта ва бошқа экинлар майдонини кузда икки ярусли плуглар билан 40—45 сантиметр чуқурликда сифатли қилиб ҳайдаймиз. Лекин бу агротехника тадбирини амалга ошириш муддатига ўзгартиш киритганмиз. Бу шундан иборатки, етиштирилган барча ҳосилни йиғиштириб олишни октябрь ойида тугаллаймиз. Шундай қилиб, ерни октябрь ойининг охири ва ноябрь ойининг бошида шудгорлаб қўямиз. Ер қанча эрта ҳайдалса, у шунча кўп дам олади. Бултур ҳам шундай қилдик. Ҳайдаш олдидан ҳар гектар ерга 300 килограммдан фосфорли ўғит солинди.

Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида кўрсатмоқчиман. Шудгорлаш тугаллангач, ҳар йилгидек, ўтган йили кузда ерни яхшилаб текисладик. Бунинг учун етарли техникамиз бор. Натижада баҳорда ерни текислаймиз деб овора бўлмадик. Вақтдан ютдик. Барча эътиборни чигитни қулай агротехника муддатида сифатли қилиб экиб олишга қаратдик. Бу ишни 1 апрелда бошладик ва олти кунда тугалладик. Барча майдонда экилган уруғ тупроқнинг табиий намига униб чиқди. Ер текис бўлгани учун ҳамма жойда уруғ бир хил чуқурликка тушди ва бир вақтда униб чиқди. Ҳар гектар ерда ўрта ҳисобда 130 минг туп кўчат ҳосил қилинди.

Ерни кузда сифатли қилиб текислашнинг яна бир муҳим томони шундан иборатки, ҳозир ғўзани суғорганда ҳамма ердаги экин сувдан баравар баҳраманд бўлмоқда. Агар ер текис бўлмаса, қатор ораларига сувни бирдек яхши тараб бўлмайди, бир жойдаги ғўза сувни яхши ичгани ҳолда, иккинчи ердаги экинга сув чиқмайди. Бу оқибатнатижада ҳосилдорликка салбий таъсир қилади. Биз бунга мутлақо йўл қўймаймиз. Суғоришнинг сифатига, ғўзани сувга қондиришга, тупроқни яхшироқ намлашга, ҳосил қилинган намни узоқроқ муддат сақлашга алоҳида эътибор берамиз. Бунга суғориш билан культивация ўртасида узилиш бўлишига йўл қўймаслик йўли билан эришамиз.

Ғўза парваришининг ҳар бир комплексини 12—13 кунда тугаллаймиз. Қатор ораларини юмшатиш, ғўзани озиқлантириш, эгатлар олиш ва суғоришни бир-бирига боғлаган ҳолда олиб борамиз. Ғўза суғорилганидан кейин қатор ораларидаги тупроқ уч-тўрт кунда етилади. Унинг қуриб қолишига, ернинг ёрилишига йўл қўймаймиз. Дарҳол бир йўла ўғит солган ҳолда культивация ўтказамиз. Шу тўфайли кесак кўчмайди, қатор ораларидаги тупроқ майин бўлиб юмшайди. Сўнг эгат олиб қўямиз. Экин сув талаб бўлиши билан яна суғорамиз.

Чигит экиш билан бир вақтда ерга гербицидлар солингани, ғўза қатор оралари сифатли культивация қилингани учун пахтазорларни бегона ўт босмади. Пайдо бўлган бегона ўтларни зудлик билан йўқотдик.

Ҳозиргача барча майдондаги экин олти марта комплекс парвариш қилинди, икки марта қондириб суғорилди. Ҳозир учинчи суғориш давом эттириляпти. Айниқса июнь ойининг ўртасидан бошлаб ғўзани суғоришга эътиборни кучайтирдик. Ҳаво салқин келгани, тез-тез ёғингарчилик бўлиб тургани учун ана шу пайтгача ғўзага сув ёқмаган эди. Июнь ойининг ўртасидан бошлаб ҳарорат кўтарилди. Ғўзанинг сувга бўлган талаби кучайди. Ҳозир 80 сувчи ғўзани кечасию кундузи суғоряпти. Бир кеча-кундузда 80—100 гектар ердаги ғўза суғорилляпти. Барот Донабоев, Усмон Сулаймонов, Қосимбек Эгамбердиев, Исмоил Козимбоев каби уста сувчилар ҳар куни бир ярим гектар ердаги ғўзани қондириб суғоришляпти. Улар билан мусобақалашиб ишлаётган Қозоқбой Сатторов, Эргаш Дониёров, Аҳмад Ҳакимов Муҳаммад Усмонов сингари моҳир механизаторлар ғўза қатор ораларини сифатли культивация қилишда ибрат кўрсатишляпти.

Ғўзани минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантириш доим диққат марказимизда туради. Чигит экиш билан бир вақтда ҳар гектар ерга 150 килограммдан аммофос солиниган эди. Ғўзани май ойининг бошида минерал ўғитлар билан биринчи асосий озиқлантириш тугалланган, бунда ҳар гектар ерга 200 килограммдан азотли ўғитлар солинган эди. Шундан кейин суғордик ва чуқур культивация ўтказдик. Июнь ойининг охирида ҳар гектар ерга етарли миқдорда азотли ва калийли ўғитлар солган ҳолда ғўзани иккинчи марта озиқлантирдик. Маҳаллий ўғитлардан ҳам кенг фойдаланяпмиз. Пирик чорвачилик комплексимиз бор. Ҳар бир бригада ихтиёрига биттадан усти очиқ цистерна бериб қўйилган. Ерга чиритилган гўнг билан бирга, кўп миқдорда чорва молларнинг суюқ гўнги ҳам ташиб солиняпти.

Ғўзани минерал ўғитлар билан эрта муддатларда озиқлантириш, маҳаллий ўғитлардан кенг фойдаланиш, сифатли парвариш қилиш — ҳосилнинг мўл бўлиши ва хусусан эрта етилишининг асосий омили шулардан иборат.

Июнь ойининг бошида ғўзанинг ривожланиш даражаси ўтган йиллардагидан 15—20 кун орқада эди. Парваришни кучайтириш йўли билан бу қолоқлик деярли тугатилди. Барча майдондаги экин июнь ойининг ўртасида қийғос гуллади. Ҳозир эса кўсаклай бошлади. Бу йил гектаридан 50 центнер ва бундан ортиқ ҳосил олиш учун курашаётган Карим Аҳмедов, Беркин Ерқулов, Мамарасул Турсунбоев бошлиқ бригадаларнинг ғўзаси ҳаммадан олдин шоналаган эди. Барвақт гуллади ва ҳосилга кирди.

Касалликлар ва зараркунандаларга қарши кураш доим эътиборимизда турибди. Мутахассислар пахтазорларни назорат остига олишган. Биз аввало зараркунандаларнинг тарқалишига йўл қўймаймиз. Борди-ю, улар пайдо бўлса, дарҳол йўқотамиз.

Июль ойининг охиригача барча майдондаги ғўзани камида икки марта парвариш қиламиз. Бундан кейин ғўзани айниқса кечаси суғоришга зўр берамиз. Етарли миқдорда чиритилган гўнг, компост тайёрлаб қўйилган. Бир гектар ердаги ғўзани ҳам «шарбат» оқизмасдан суғормаймиз. Чорва молларнинг суюқ гўнгидан экинни озиқлантиришда янада кўпроқ фойдаланамиз. Бу суғориш натижасида тупроқда ҳосил қилинган намни узоқроқ муддат сақлаш, тупроқни майинлаштириш, бинобарин ҳосилдорликни оширишда муҳим роль ўйнашига тажрибада ишонч ҳосил қилганмиз. Чеканкани ўз вақтида сифатли қилиб ўтказамиз.

Айни вақтда теримга ҳам тайёргарлик кўриб борамиз. Мавжуд 20 та терим агрегати, тележкалар ва бошқа техника воситаларини ремонт қилиб қўйдик. Ҳар туп ғўзада икки-учтадан кўсак очилиши билан дефолиацияни бошлаймиз. Дефолиацияни ерда ишлайдиган аппаратлар ёрдамида бир ҳафтада сифатли қилиб ўтказамиз. Кўсакларнинг 70—75 проценти очилгач, машиналарни ишга соламиз ва барча ҳосилни узоғи билан бир ярим ойда йиғиштириб оламиз. Давлатга 3360 тонна «оқ олтин» сотиш юзасидан зиммамизга қабул қилган мажбуриятимизни тўла-тўқис бажарамиз. Бу бизнинг КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларига амалий жавобимиз бўлади.

Т. ЭРНАЗАРОВ,
Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхози директори.

Петр Евдокимович БОБИЛЕВ

Ўзбекистон ССР енгил саноат министрининг биринчи ўринбосари Петр Евдокимович Бобилев узоқ давом этган касалликдан сўнг шу йил 13 июль куни 51 ёшида вафот этди.

П. Е. Бобилев Оренбург области Сорочинск районидаги Петропавловка қишлоғида 1931 йилнинг 2 июлида туғилди. Петр Евдокимович 1951 йилда Тошкент тўқимачилик институтини тугатгандан сўнг Тошкент тўқимачилик комбинатининг 3-фабрикасида катта мастер, йигирув, пилталаш цехларининг бошлиғи, йигирув ишлаб чиқаришининг бошлиғи бўлди. П. Е. Бобилев 1967 йилдан 1974 йилгача Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Наманган шойи газламалар комбинатининг бош инженери бўлиб ишлади. 1974 йилдан 1979 йилгача «Ўзтекстильпром» республика саноат бирлашмасининг ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи, кейинчалик бош инженер бўлди. 1980 йил 1 январидан буён республика енгил саноат министрининг биринчи ўринбосари эди.

Коммунистик партия Петр Евдокимович Бобилевни қаерга юборса, у ҳамма лавозимларда ишлаб чиқаришнинг актив ва юксак малакали ташкилотчиси, ташаббускор раҳбар, меҳрибон ўртоқ эканлигини кўрсатди. У партиявий юксак фазилатлари, ишни ҳар тарафлама билиши, талабчанлиги, тўқимачилик ва енгил саноат олдида турган вазифаларни ҳал этишда тезкорлиги ва принципиаллиги билан ажралиб турарди.

П. Е. Бобилев бир неча бор халқ депутатлари маҳаллий Советларининг депутати қилиб сайланди. «Шавкатли меҳнати учун. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини нишонлаш юзасидан» медали билан ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган эди.

Пётр Евдокимович Бобилевнинг ёркин хотираси уни билган ва у билан бирга ишлаган барча кишилар қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

И. Г. Анисимкин, М. М. Мусахонов, У. У. Умаров, А. Р. Хўжаев, А. С. Икромов, В. О. Козимов, М. Х. Қурбонов, О. Б. Бурхонов, Э. А. Таймазов, О. С. Соқиев, А. Т. Тўлаганов, Ҳ. А. Алимова, С. М. Мақсудов, Т. Х. Собитов, Г. А. Карапетов, Т. И. Акимова.

ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

Қурилиш ташкилотларининг 1981 йил биринчи ярмидаги иш якунлари ва ишга туширилган объектларни ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари асосида тезроқ қуриб битказиш соҳасидаги вазифалари Урганчда бўлиб ўтган область партия-хўжалик активининг йиғилишида муҳокама қилинди.

Йиғилишда уй-жой биноларн, саноат ва маданий маиший бинолар қандай қурилаётганлиги таҳлил қилинди, қурилиш коллективлари ишидаги ҳали мавжуд камчиликларни бартараф этиш йўллари белгиланди.

(ЎзТАГ).

ЕР СИЛКИНДИ

13 июль кечаси маҳаллий вақт билан соат 3 дан 39 минут ўтганда Тошкентда 3 балл куч билан ер қимирлади. Унинг маркази шаҳарнинг ғарбий чеккасида жойлашган Назарбек қишлоғида эди. У ерда зилзиланинг кучи 4 баллга етди.

Бу — 1980 йил 11 декабрда бўлган Назарбек зилзиласининг «акс садоси бўлиб», ер қаъридаги кучларнинг жазаваси пасайиб бораётганидан далолат беради. Ўша пайтдан бери «Тошкент» марказий сейсмик станцияси 384 марта силкиниш бўлганини қайд этди, шундан 40 таси сезиларли бўлди.

Зилзила натижасида қурбонлар ва шикастланганлар йўқ.

(ЎзТАГ).

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Сўнмас у кунлар шуҳрати

ЖАНГДА ЖАСУР, МЕҲНАТДА МАРДОНА

Замонавий типда қурилган шийпон одамлар билан гавжум. Бу ерда мусобақадош Тошкент области ва Жиззах области чорвадорларининг йиғилиши ўтказилмоқда, анжуманда сўзга чиққан Калинин район Куйбишев номли колхоз раиси Абилфаттоҳ Абилқосимов илғор сут соғувчи Гулюзим Жиянбоеванинг фронтдаги жасорати ҳақида қисқача гапириб ўтди.

— Танишинг, — ёнидаги меҳмонга ишора қилди колхоз раиси анжумандан сўнг.— Бу киши Жиззах область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Исломов бўладилар. Сиз жанг қилган Сталинградда бу киши ҳам жанг қилган эканлар, танидингизми?

— Йўқ, эслолмадим, — деди Гулюзим.

— Қаранг-а, иккимиз ҳам бир жойда жанг қилибмиз, — деди Исломов, сўнг қўшимча қилди: Адашмасам, сизни «Циганка» дердик шекилли-а. «Галя-Галя, Галичка», деган қўшиқ ҳам айтардик.

— Ҳа, ҳа сал эслагандай бўляпман, — деди Гулюзим.

Шундай қилиб, йиғилиш баҳонаси билан икки жангчи 35 йилдан сўнг учрашди.

...Даҳшли тупроғимизга гитлерчи газандалар бостириб кирганида Гулюзим 16 ёшда эди. Орадан кўп ўтмай, фронтдан бу ҳонадонга қора хат келди. Энди унинг учун бу дунёда севимли ота йўқ. Бу жудолик, уни қаттиқ азобга солди, тинчини йўқотди. Душманга бўлган нафратини янада ошириб юборди.

— 1942 йилда ўз хоҳишим билан фронтга жўнадим, — деб қиқоя қилади Г. Жиянбоева.

... Сталинград учун ҳаёт-мамот жанги бораради. Бир куни командир қисмимиз жойлашган жойга яқин ўрмон ичкарисидаги душманнинг ҳарбий кучини билиб келишни топширди. Лекин ўрмонга кираверишдаги кўприк ҳавфли, у миналаштирилган эди. Ҳеч иккиланмасдан бу вазифани мен бажараман, дедим. Менинг вазифам «тил» топиш эди. Бас шундай экан, ўзим бориб хабар топиб келишим керак дедим-у, ленинградлик Женя деган қиз билан Дон дарёси бўйлаб юрдик. Кўприкка яқинлашганда Женяни ортда қолдирдим-да, ўзим олдинга юрдим. «Агар бирор нарса аниқласам, қўлимни кўтариб ишора қиламан, шунда тезда олдимга етиб келасан», дедим-да, аста-секин кўприк тагига ўрмаладим. Кидириб, мина уланган шнурни топдим. Эҳтиёткорлик билан уни қиркиб ташладим-да, ўрмалаб ўрмонга ўтиб олдим. Сал юргач, немис автоматини топиб олдим. Шу пайт елкамни ўқ сидириб ўтди. Ўрмалаб бораётганимда бошим қаттиқ нарсага урилди. Не кўз билан кўрайки, оғир яраланган немис офицери бошини ўт ичига буркаб ётарди. Чамамда у охирги ўқини менга отганди. Тик турдим-у «Қўлингни кўтар» деб буйруқ бердим. «Руслар яхши, отма» деб ёлвора бордик. Шу заҳоти шеригим ҳам етиб келди. Озгина юриб, яна яраланган икки немис солдатига дуч келдик. Яраларини боғлаб, штабга олиб бордик. Улардан бири радист экан. Ёнидан алоқа қутичаси чиқди. Бу разведкачиларимиз учун жуда қўл келди.

— Жасоратингиз учун Бош қўмондонлик номидан Сизни «Жасурлиги учун» медали билан тақдирлашди, — деди командиримиз Белов.

— Совет Иттифоқига хизмат қиламан!

Қисмимиз Чехословакияга етиб келди. Йўлимиз ниҳоятда хавфли эди. Ҳар қадамда хавф-хатар кутарди. Мен ҳамон разведка ротасида хизмат қилардим. Навбатдаги «операция» пайтида бир ер тўладан жуда кўплаб ўқ-дори, 20 та граната, 20 та автомат топиб олиб штабга топширдик...

Ҳа, Гулюзим Жиянбоева Сталинграддан Прагагача бўлган жанг йўлини босиб ўтди. У разведка ишини усталик билан бажарди. Кези келганда ярадорлар дардига малҳам бўлди, керак бўлса қон берди. Урушдан омон-эсон қайтиб, тинч меҳнат фаолиятини бошлади. Тошкент область Калинин районидаги Куйбишев номли колхознинг сут-товар фермасида соғувчилик қила бошлади. Ҳалол меҳнати билан обрў-эътибор топди. Колхоздагина эмас, районда моҳир соғувчилар қаторидан ўрин олди. Мусобақаларда ғолиблик қилди. У бу йил ўз қарамоғидаги ҳар бир соғин сигирдан 6 минг килограммдан сут соғиб олишга сўз берган.

Халқ бахт-саодати йўлида жонини тикиб, қон ютиб, қон қечиб, кўксида қатор жангговар орден-медаллар билан қайтган табаррук аёл — Г. Жиянбоева ҳозирги кунда ёшларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшаётир.

Гулюзим Жиянбоеванинг тўрт фарзанди бор. Ҳаммаси олий маълумотли. Бири ҳайқалтарош, бири топограф. Кенжа фарзанди Муҳаббат эса она изидан борди. У яқинда машқур соғувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анастасия Чудная мактабида операторликка ўқиб қайтди.

... Жангда жасур, меҳнатда мардона дегани шу-да!

Р. МУҲСИМОВА.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

ЗАМИРАНИНГ ЗАФАРИ

Совет командаси СССР — АҚШ учрашувида муваффақият қозонди

Андижонлик моҳир югурувчи Замира Зайцева яна бир бор мухлисларни мамнун этди. Халқаро классдаги спорт мастери яқинда Украина пойтахтида чет эл спортчилари иштирокида ўтказилган мусобақада бир миляга (1609 метр) югуриб (4 минут 22,50 секунд), муваффақият қозонган эди. Кейин СССР—ГДР енгил атлетикачилари анъанавий учрашувида 1500 метрли масофага 4 минут 02 секунд вақт сарфлаб, ғалаба қозонди. Замира куни кеча Ленинградда СССР—АҚШ командалари анъанавий баҳсида ҳам ўзини кўрсатди. Бу сафар у 1500 метрли масофани 4 минут 0,83 секундда босиб ўтиб, ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлди. Бу билан З. Зайцева ўн учинчи марта команда ҳисобида ғалаба қозонган (204: 178) совет енгил атлетикачилари ютуғига муносиб ҳисса қўшди.

Суратда: З. Зайцева.

Н. Надеждин фотоси.

● **ФУТБОЛ.** Олий лига командаларининг навбатдаги учрашувлари қуйидагича бўлди: ЦСКА — «Спартак» — 2:0, «Динамо» (К) — «Қайрат» — 3:0, «Арарат» — «Динамо» (Тб) — (1:4), «Днепр» — СКА — 0:1, «Таврия» — «Динамо» (Мн) — 2:2, «Кубань» — «Зенит» — 2:2, «Черноморец» — «Пахтакор» — 1:0, «Торпедо» — «Динамо» (М) — 0:3.

Чет эллларда ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

«БИЗ КЕЛАЖАККА ИШОНАМИЗ»

«Жор ганеш пресс» нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети номидан партия XXVI съездига қилган Ҳисобот докладини непал тилида «Биз келажакка ишонамиз» деган ном билан нашр этди.

Непал пойтахтида жамоатчилик вакилларининг ўтказилган йиғилиши шу китобнинг босмадан чиқишига бағишланди. Непал тинчлик тарафдорлари қўмитеси президиумининг аъзоси Бхубан Лал Пратхан бундай деди: непалликлар совет кишилари учунгина эмас, балки кескинликни юмшатишга, қуролсизланишга, тараққиётга интилаётган бутун жаҳон жамоатчилиги учун ҳам тарихий жиҳатдан ғоятда муҳим бўлган материаллар билан танишиб чиқиш имконига эга бўлдилар. КПСС XXVI съездининг бутун бориши, Л. И. Брежнев тинчлик борасида илгари сурган янги конкрет таклифлар Совет Иттифоқи тинчлик йўлидан комил ишонч ва сабот-матонат билан олга бораётганлигини, янги уруш хавфини йўқотиш учун ҳамма чораларни кўраётганлигини тасдиқлайди. Қуролярогларни қисқартиришни, кескинликнинг юмшатилишини муқаррар жараёнга айлантиришни кўзда тутган таклифлар бутун инсониятнинг орзу-тилакларига мос бўлиб тушади.

УРУШГА ҚАРШИ ХАРАКАТ

ГФРда урушга қарши ҳаракат тобора кенг тус олмоқда. Мамлакат территориясида милитаристик тайёргарлик кучайтирилганлигидан, АҚШ ва НАТО ракета-ядро қуролланишни анж олдирганлигидан ғоят ташвишланаётган кишилар бу ҳаракатга қўшилмоқдалар.

ГФРнинг таниқли сиёсий арбоби, Германия социал-демократик партиясидан бундестагга сайланган депутат К.-Г. Ханзен барча тинчликсевар кучларнинг, шу жумладан коммунистларни жипслаштириш ҳамда уларнинг биргалашиб ҳаракат қилишини таъминлаш зарур эканлигини айтди. У Дюссельдорфда ўтказилган касаба союз митингида сўзлаган нутқида бундай деди: НАТОнинг Америкада ишлаб чиқарилган ўртача олисликка мўлжалланган янги ядро ракеталарини Ғарбий Европа мамлакатларида жойлаштириш тўғрисидаги қарорига кескин қаршилик кўрсатиш зарур. Биз бу қарорнинг амалга оширилишига халақит бера олмас экенмиз, қуролланиш пойгаси янада кучайиб кетади, деб таъкидлади К.-Г. Ханзен.

КЕСКИН ТАНҚИД ҚИЛИНДИ

Рейган маъмурияти Чилига, Парагвай, Уругвайга ва Лотин Америкасидаги бошқа реакцион режимларга мойлаяпти ёрдамни кучайтиришга эришиш ҳақида қарор қабул қилган эди. АҚШнинг нуфузли жамоат ташкилотлари — Ғарбий ярим шар ишлари билан шуғулланувчи кенгаш ва Лотин Америкаси ишлари билан шуғулланувчи Вашингтон маркази бу қарорни кескин танқид қилди.

Бу ташкилотларнинг баёнотларида қуйидагилар уқтириб ўтилади: Оқ уй ана шу мамлакатларда инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши билан аҳвол гўё анча яхшиланганлигини ўз қарорига бир баҳона қилиб кўрсатди. Оқ уйнинг бу қарори Америка маъмуриятининг риёкорлигини тасдиқловчи яна бир далилдир.

Ҳужжатларда келтирилган фактлар Лотин Америкасидаги халққа душман бўлган режимлар ўз гражданларининг ҳуқуқларини сурбетларча поймол этаётганлиги, репрессия чораларини кўриб, уларни қийнаётганлиги ва ҳақорат қилаётганлигини исбот қилади.

ТУРЛИ ФИКРЛАР

Канада газеталари Канада бош министри П. Трюдоннинг Вашингтонга қилган бир кунлик расмий визити якунларига учрашув қатнашчилари бирбирларининг фикрларига қўшилмадилар, деб баҳо бермоқдалар.

«Глоб энд майл» газетаси таъкидлаб ўтганидек, Оқ уй Трюдоннинг «шимол-жануб» мулоқоти доирасида музокаралар олиб бориш тўғрисидаги даъватига эътибор бермади. Газета қуйидагиларни ёзади: Канада бош министри халқаро майдонда янги иқтисодий муносабатлар ўрнатиш мақсадида ривожланаётган мамлакатларнинг иштироки билан халқаро конференция ўтказиш ғоясини АҚШ президентининг қўллаб-қувватлашига эришиш ниятида эди. Аммо АҚШнинг позицияси бунга бўлган умидларни пучга чиқарса керак, деб таъкидлайди «Глоб энд майл» газетаси.

Матбуотнинг хабар беришича, учрашув вақтида АҚШ президенти Канададан унинг миллий энергетика программасига аниқлик киритишни талаб этган. Вашингтоннинг бу программага эўр эътибор бераётганлигига сабаб шуки, Канада Америка капиталининг Канада нефть ва газ саноатидаги ҳукмронлигини шу ўн йиллиннинг охиригача 50 процентгача қисқартиришга интилмоқда. Ҳозирги вақтда бу соҳадаги акцияларнинг 70 проценти Американинг кўп миллатли корпорациялари ихтиёридадир. (ТАСС).

«Эркин дунё» қиёфаси

Ишсизлар армияси

Яқинда, май ойининг охирларида Англия мактабларини минг-минглаб йигит ва қизлар тамомлаб чиқиб, ўрта маълумот ҳақидаги гувоҳнома олдилар. Улар не-не орзулар билан ҳаётнинг янги босқичига отланишга тайёр эдилар. Лекин йигит-қизларнинг ярмидан кўпроғи дастлабки қадамидаёқ умидсизлик гирдобига тушиб қолдилар. Улар қалбидаги орзу-умидлар сароб билан алмашинди. Мактаб партасини эндигина тарк этган ёшлар ишсизлар бозори — меҳнат биржаларн томон йўл олдилар.

Лондонда чиқадиган «Сан» газетасининг хабар беришича, ўрта ўқув юртларини тамомлаб чиққан 200 мингдан ортиқ йигит ва қизнинг 100 мингдан кўпроғи ишсизлар сафидан ўрин олишди. Бу рақам албатта дастлабки маълумотлардир. Шу кунларда аниқ расмий маълумотларда таъкидланишича, мамлакатда «ортиқча одамларнинг сони 2,5 миллион кишидан ҳам ортиб кетган.

Ёшлар қулфати

Копенгагендан хабар берилишича, яқинда Даннядаги ҳунар-техника билим юртлари ва техникумларида битирув имтиҳонлари тугади. 20 мингдан ортиқ йигит ва қиз диплом олишга сазовор бўлди. Албатта бу эндигина ҳақиқий, катта ҳаёт бўсағасида турган ёшлар учун қувончли эди. Бироқ уларнинг бу қувончлари узоққа бормади. Ёшларнинг кўпчилигини мудҳиш ишсизлик қулфати кутмоқда эди. Чунки, ҳатто катта тажриба ва малакаси бўлган кўпдан-кўп ёшлар ҳам ҳамон иш қидириб сарсон-саргардон ҳаёт кечирмоқдалар. Мамлакат пойтахтида чиқадиган «Экстра бладет» газетаси берган маълумотларга кўра, ўтган йили махсус ҳунар-техника билим даргоҳларини тамомлаб чиқиб, диплом олган 10 мингдан ортиқ ёш механик, электрик, токарь, бинокорлар ҳозирги кунда ҳануз иш тополмай тушкунлик, келажакка умидсизлик гирдобида азобламмоқдалар. Бу йил ўқув юртларини битириб чиқиб диплом олган ва ишга отланганларнинг ҳоли нима кечаркин! Албатта, бу саволга бериладиган жавоб аниқ — шўринг қурғур ёш мутахассисларни ишсизлик, муҳтожлик, тушкунлик ва бошқа мудҳиш қулфатлар кутмоқда.

Ҳозирги кунда Даннядек кичик бир мамлакатда 250 мингдан ортиқ ишсиз бор. Уларнинг ярмидан кўпроғи йигит ва қизлар ҳамда ёш мутахассислардир. Уларнинг сафи шу зайлда йилдан-йилга ёшлар ҳисобига кўпайиб бормоқда.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10 35 — Бадиий фильм 11.50 — Концерт. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.20 — Иқловчи. Бадиий фильм. 17.00— Концерт. 17.35 — Ёшлар адреслари. 18 35 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Қувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Миллий байрам — Бастилия ишгол этилган кунга бағишланган Франция телевидениесининг программаси. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли экран. 22.45 — Дунё воқеалари. 23.00 — Ҳужжатли экран.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Фильм-концерт. 11.40 — АҚлли буюмлар. Бадиий фильм. 1-серия. 12.45 — Ҳужжатли фильмлар. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.00 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёшлик. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Хатлардан қўшиқларга. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.25 — Диёнат. Телевидеофильм. 2-серия. 23.40 Бугун оламда нима гап?

II.

18.40 — Болалар учун фильм. 19.05 — Она тили. 19.45 — Реклама. 20 00 — Янгиликлар. 20.20 — Чинор. Илмий-оммабоп программа. 20.50 — Физика.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Шу куннинг қўшиқлари. 9.35 — Концерт. 12.10 — Ўзбекистон шпчиси. 13.00 — Ёмхашак тайёрлаш кундалиги. 14.00 — Пахтачи район пахтакорлари ҳузурида. 19.20 — Мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ XVI Спартакиадаси кундалиги. 19.30 — Танбур тароналари. 20.15 — Ёшлик. 20.50 — Фан уфқлари. 21.00 — Шайхзода шеъриятида Ленин образи. 21.20 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Радиотингловчилар таклиф этган программа асосида концерт. 23.10 — Тинглаб дам оламиз.

«СОЮЗЛИФТМОНТАЖ» трести ОЛМАОТА МОНТАЖ БОШҚАРМАСИНИНГ

ЎРТА ОСИЕ МОНТАЖ УЧАСТКАСИ

18 ёшли йигитларни, Совет Армиясида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларни лифт монтажчилари касби бўйича ўқитиш учун

2,5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўқишдан сўнг Тошкент шаҳрида 2,5 ой практика ўтилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.

Справкалар олиш учун адрес: Тошкент шаҳри, 97-алоқа бўлими, Чилонзор массиви, 6-квартал, Телефонлар: 78-17-56, 78-30-68.

●

ЎЗБЕКИСТОН ССР 40 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ

ТУЙТЕПА МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ЗАВОДИГА

капитал қурилиш бўлими бошлиғи вазифасига иш тажрибасига эга бўлган қурувчи инженер

КЕРАК

Завод квартира билан таъминлайди.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Тўйтепа шаҳри.

Тошкент политехника институти ректорати, партия комитети ва маҳаллий комитети металлар технологияси кафедрасининг мудири, профессор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби В. А. Мирбобоевга онаси

Файзулла Алиевич БОБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент давлат университети ректорати, партия ва касаба союз комитетлари ҳамда журналистика факультети коллективи кафедра мудири, доцент Ф. Н. Насриддиновга отаси

Насриддин МАМАЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги

1981–1982 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎРТА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРИГА

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(702043, Тошкент область, Калинин район, Назарбек қишлоқ Совети)

Кундузги ўқишга: агрономия, ер тузиш, ўсимликларни ҳимоя қилиш; колхоз ва совхозларга раҳбар кадрлар тайёрлаш бўлими — агроном-ташкилотчи.

ТОШКЕНТ ҲИСОБ-БУХГАЛТЕРИЯ ТЕХНИКУМИ

(700070, Тошкент шаҳри, Глинка кўчаси, 9-уй)

Кундузги ўқишга: қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини планлаштириш.

РЕСПУБЛИКА СИРТҚИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(700128, Тошкент шаҳри, Парашютная кўчаси, 17-уй)

Сиртқи ўқишга: агрономия, зоотехника, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини планлаштириш, автомашиналарга техника хизмати кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш.

ТОШКЕНТ ПАРРАНДАЧИЛИК СОВХОЗ-ТЕХНИКУМИ

(702166. Тошкент область, Оржоникидзе райони, «Птичник» алоқа бўлими).

Кундузги ўқишга: паррандачилик, ветеринария, чорвачиликни механизациялаштириш ва электрлаштириш.

АКАДЕМИК Р. Р. ШРЕДЕР НОМЛИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ Р. МУСАМУҲАМЕДОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТЕХНИКУМИ

(702015, Тошкент область, Тошкент райони, Кенсой посёлкаси)

Кундузги ўқишга: мева-сабзавотчилик, ўрмон хўжалиги, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, сабзавот ва меваларни сақлаш ва қайта ишлаш.

ТОШКЕНТ ПАХТАЧИЛИК ТЕХНИКУМИ

(702133, Тошкент область, Оржоникидзе райони, Оққовоқ посёлкаси)

Кундузги ўқишга: агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, агрохимия; колхоз ва совхозларга раҳбар кадрлар тайёрлаш бўлими —агроном-ташкилотчи.

«ЧИНОЗ» СОВХОЗ-ТЕХНИКУМИ

(702850, Тошкент область, Чиноз райони, Олмазор посёлкаси, Ленин кўчаси, 36-уй).

Кундузги ўқишга: зоотехника, ветеринария, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, чорвачиликни механизациялаштириш ва электрлаштириш; колхоз ва совхозларга раҳбар кадрлар тайёрлаш бўлими — зоотехник-ташкилотчи.

НАМАНГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ТЕХНИКУМИ

(117121, Наманган область, Тўрақўрғон шаҳри)

Кундузги ўқишга: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, автомашиналарга техника хизмати кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш.

СИРДАРЁ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ТЕХНИКУМИ

(708412, Сирдарё область, «Мадик» совхози)

Кундузги ўқишга: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, колхоз ва совхозларга раҳбар кадрлар тайёрлаш бўлими — қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, автомашиналарга техника хизмати кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш.

«БОЕВУТ» СОВХОЗ-ТЕХНИКУМИ

(703230, Сирдарё область, Боёвут райони)

Кундузги ўқишга: агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш.

ЖИЗЗАХ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(708017, Жиззах шаҳри, Навоий номли колхоз)

Кундузги ўқишга: зоотехника, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби.

АБАЙ НОМЛИ СОВХОЗ-ТЕХНИКУМ

(708708, Жиззах область, Гагарин шаҳри)

Кундузги ўқишга: агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби.

«ҒАЛЛАОРОЛ» СОВХОЗ-ТЕХНИКУМИ

(704620, Жиззах область, Ғаллаорол шаҳри)

Кундузги ўқишга: агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби.

М. УМРЗОҚОВ НОМЛИ ҚУҚОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ТЕХНИКУМИ

(713014, Қўқон шаҳри, Ленин кўчаси, 23 «а»-уй)

Кундузги ўқишга: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, чорвачиликни механизациялаштириш ва электрлаштириш; колхоз ва совхозларга раҳбар кадрлар тайёрлаш бўлими — қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, техник-механик;

Сиртқи ўқишга: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш.

«БЕШАРИҚ» СОВХОЗ-ТЕХНИКУМИ

(713120, Фарғона область, Киров райони)

Кундузги ўқишга: агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш.

ФАРҒОНА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(173740. Фарғона область, Ёзёвон қишлоғи)

Кундузги ўқишга: агрономия, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида оухгалтерия ҳисоби.

АНДИЖОН ҲИСОБ-БУХГАЛТЕРИЯ ТЕХНИКУМИ

(710000, Андижон шаҳри, Дружба кўчаси, 21-уй)

Кундузги ва сиртқи ўқишга: қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини планлаштириш.

«САВАЙ» СОВХОЗ-ТЕХНИКУМИ

(711300, Андижон область, Қўрғонтепа райони)

Кундузги ўқишга: агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш.

АНДИЖОН ЗООВЕТЕРИНАРИЯ ТЕХНИКУМИ

(711020, Андижон область, Марҳамат шаҳри)

Кундузги ўқишга: зоотехника, ветеринария, паррандачилик.

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ТЕХНИКУМИ

(711043, Андижон область, Шаҳрихон шаҳри, Комаров кўчаси, 2-уй)

Кундузги ўқишга: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, автомашиналарга техника хизмати кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш; колхоз ва совхозларга раҳбар кадрлар тайёрлаш бўлими — қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, техник-механик.

Сиртқи ўқишга: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, автомашиналарга техника хизмати кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш.

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМЛИ НАМАНГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(718000, Наманган шаҳри, Ленин проспекти. 16-уй)

Кундузги ўқишга: агрономия, ипакчилик, зоотехника, ветеринария, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби; колхоз ва совхозларга раҳбар кадрлар тайёрлаш бўлими —агроном-ташкилотчи, зоотехник-ташкилотчи.

Сиртқи ўқишга: агрономия, ипакчилик, зоотехника.

В .И. ЛЕНИН НОМЛИ СОВХОЗ-ТЕХНИКУМ

(717000, Наманган область, Поп райони)

Кундузги ўқишга: агрономия, зоотехника, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби.

Н. ҚОДИРОВ НОМЛИ САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ТЕХНИКУМИ

(704401, Самарқанд область, Даҳбет посёлкаси)

Кундузги ўқишга: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, товаршунослик, моддий-техника таъминоти.

Сиртқи ўқишга: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш.

К. А. ТИМИРЯЗЕВ НОМЛИ САМАРҚАНД ЗООВЕТЕРИНАРИЯ ТЕХНИКУМИ

(703000, Самарқанд шаҳри. Возрождение кўчаси, 8-уй)

Кундузги ўқишга: ветеринария, зоотехника, асаларичилик; колхоз ва совхозларга раҳбар кадрлар тайёрлаш бўлими —зоотехник-ташкилотчи.

Сиртқи ўқишга: зоотехника.

И. В. МИЧУРИН НОМЛИ САМАРҚАНД МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТЕХНИКУМИ

(703002, Самарқанд шаҳри, Октябрь кўчаси, 12-уй)

Кундузги ўқишга: агрономия, мева-сабзавотчилик, сабзавот ва меваларни сақлаш ва қайта ишлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби; колхоз ва совхозларга раҳбар кадрлар тайёрлаш бўлими —агроном-ташкилотчи.

Сиртқи ўқишга: мева-сабзавотчилик, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби.

«КАТТАҚЎРҒОН« СОВХОЗ-ТЕХНИКУМИ

(704200, Каттақўрғон шаҳри, Карл Маркс кўчаси, 116-уй)

Кундузги ўқишга: зоотехника, чорвачиликни механизациялаштириш ва электрлаштириш.

БУХОРО ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(705007, Бухоро шаҳри, Газли кўчаси, 2-уй)

Кундузги ўқишга: агрономия, ипакчилик, зоотехника, ветеринария, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби; колхоз ва совхозларга раҳбар кадрлар тайёрлаш бўлими —зоотехник-ташкилотчи.

Сиртқи ўқишга: агрономия, зоотехника, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш.

«РОМИТАН» СОВХОЗ-ТЕХНИКУМИ

(706402, Бухоро область, Ромитан райони)

Кундузги ўқишга: агрономия, чорвачиликни механизациялаштириш ва электрлаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини планлаштириш.

ҚАРШИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(730019, Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 19-уй)

Кундузги ўқишга: агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, зоотехника, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби; колхоз ва совхозларга раҳбар кадрлар тайёрлаш бўлими —агроном-ташкилотчи.

Сиртқи ўқишга: қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, агрономия, зоотехника.

ТЕРМИЗ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(732008, Термиз шаҳри, Оржоникидзе кўчаси, 41-уй)

Кундузги ўқишга: қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини планлаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби.

ГАГАРИН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ТЕХНИКУМИ

(733115, Сурхондарё область, Гагарин райони, Комсомолобод посёлкаси)

Кундузги ўқишга: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, чорвачиликни механизациялаштириш ва электрлаштириш.

ХИВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(741413, Хива шаҳри, Тозабоғ кўчаси, 2-уй)

Кундузги ўқишга: агрономия, зоотехника, ветеринария, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби; колхоз ва совхозларга раҳбар кадрлар тайёрлаш бўлими—зоотехник-ташкилотчи.

Сиртқи ўқишга; агрономия, зоотехника, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби.

К. АУЭЗОВ НОМЛИ СОВХОЗ-ТЕХНИКУМ

(743301, Қорақалпоғистон АССР, Чимбой шаҳри)

Кундузги ўқишга: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, автомашиналарга техника хизмати кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби.

НУКУС ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(742009, Қорақалпоғистон АССР, Нукус шаҳри)

Кундузги ўқишга: агрономия, ветеринария, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, чорвачиликни механизациялаштириш ва электрлаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби; колхоз ва совхозларга раҳбар кадрлар тайёрлаш бўлими —агроном-ташкилотчи.

Сиртқи ўқишга: агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби.

«ШУМАНАЙ» СОВХОЗ-ТЕХНИКУМИ

(743130, Қорақалпоғистон АССР, Шуманай райони, Шуманай посёлкаси)

Кундузги ўқишга: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби.

И. Р. ҚУРБОНОВ НОМЛИ ТУРТКЎЛ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(743700, Қорақалпоғистон АССР, Тўрткўл шаҳри, Беруний кўчаси. 28-уй)

Кундузги ўқишга: агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш; колхоз ва совхозларга раҳбар кадрлар тайёрлаш бўлими —қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби.

Сиртқи ўқишга: агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СОВХОЗ-ТЕХНИКУМ

(733306, Сурхондарё область, Ленин йўли райони)

Кундузги ўқишга: агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш.

«ҲАЗОРБОҒ» СОВХОЗ-ТЕХНИКУМИ

(733514, Сурхондарё область, Денов райони)

Кундузги ўқишга: агрономия, ветеринария, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш.

«ФАРҒОНА» СОВХОЗ-ТЕХНИКУМИ

(731438, Қашқадарё область, Қамаши райони)

Кундузги ўқишга: аргономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш.

У. ЮСУПОВ НОМЛИ СОВХОЗ-ТЕХНИКУМ

(731408, Қашқадарё область, Нишон райони)

Кундузги ўқишга: ветеринария, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини планлаштириш.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СОВХОЗ-ТЕХНИКУМ

(708704, Жиззах область, Дўстлик райони)

Кундузги ўқишга: агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш.

«ФАРҒОНА» СОВХОЗ-ТЕХНИКУМИ

(708322, Сирдарё область, Оқолтин райони)

Кундузги ўқишга: агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ СОВХОЗ-ТЕХНИКУМ

(743818, Қорақалпоғистон АССР Элликқалъа райони)

Кундузги ўқишга: агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш.

БЎКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ТЕХНИКУМИ

(702800, Тошкент область Бўка шаҳри, А. Икромов кўчаси, 39-уй)

Кундузги ўқишга: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, автомашиналарга техника хизмати кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш.

ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

Ўрта махсус ўқув юртларига СССР гражданлари бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

Кундузги ўқишга 30 ёшгача, сиртқи ўқишга ёшидан қатъий назар, саккизинчи синф ҳажмида ёки ўрта маълумотга эга бўлган, кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган кишилар қабул қилинади.

Ўрта қишлоқ хўжалик ўқув юртларининг кундузги бўлимларига аризалар 8-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлардан 31 июлгача, ўрта маълумотга эга бўлганлардан — 14 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари — 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Сиртқи ўқишга эса аризалар 2 октябрдан 30 ноябргача, кириш имтиҳонлари 1 ноябрдан 15 декабргача, иқтисодий мутахассислик бўйича 31 августгача қабул қилинади.

Қабул қилиш ҳақидаги ариза ўрта махсус ўқув юртининг директори номига ёзилиб, унда танланган мутахассислик кўрсатилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: меҳнат дафтарчасидан кўчирма, ягона форма бўйича расмийлаштирилган йўлланма, тўлиқсиз ёки тўлиқ ўрта мактабни битирганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва медицина справкаси, 3x4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат.

Ўқув юртларига кирувчилар паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатда турганлиги тўғрисидаги ҳужжатни шахсан кўрсатадилар.

8-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар — она тилидан (диктант) математикадан (оғзаки); 10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар — экономика, қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликни механизациялаштириш ва электрлаштириш мутахассисликлари бўйича: она тили ва адабиётдан (иншо), математикадан (оғзаки); товаршунослик, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги мутахассисликлари бўйича: она тили ва адабиётдан (иншо), химиядан (оғзаки) кириш имтиҳонлари топширадилар.

Саккиз йиллик мактабни «Фахрий ёрлиқ» билан тўғатганлар, СССР Қуролли Кучлари, СССР Давлат хавфсизлиги комитети, СССР Ички ишлар министрлиги қўшинлари ва органларида хизмат қилиб, ҳарбий хизматдан запасга чиққан (икки йил мобайнида) офицерлар, прапорщиклар ва мичманлар ариза топширишлари билан кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўрта махсус ўқув юртларига корхона қурилиш, колхоз-совхоз ва бошқа ташкилотларнинг йўлланмалари билан келганлар кириш имтиҳонларидан қониқарли баҳо олсалар конкурссиз қабул қилинадилар.

Тўлиқсиз ўрта мактабни тугатганлар учун кундузги бўлимда ўқиш муддати — қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликни механизациялаштириш ва электрлаштириш мутахассислиги бўйича — 3 йилу 10 ой, иқтисод бўйича — 2 йил 10 ой, қолган ҳамма бошқа мутахассисликлар бўйича ўқиш муддати — 3 йилу 6 ой, иқтисодий мутахассисликлар бўйича тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун — 2 йилу 6 ой.

Ўрта мактабни тугатганлар учун ўқиш муддати 1 йилу 10 ой ва 2 йилу 6 ой.

Колхоз ва совхозларга раҳбар кадрлар тайёрлаш бўлимига область қишлоқ хўжалик бошқармалари ва Қорақалпоғистон АССР Қишлоқ хўжалик министрлиги томонидан йўлланма билан юборилган — бўлим, участка бошлиқлари, бригадирлар ҳамда ишлаб чиқариш бригадаларининг бригадир ёрдамчилари, ферма мудирлари, механизациялаштирилган отрядларнинг бошлиқлари, звено бошлиқлари ва механизаторлар, чорвадорлар ва ўсимликшунослар орасида колхоз ва совхозлардаги ўрта маълумотли малакали ишчилар (35 ёшдан катта бўлмаган) шу лавозимларда камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлган ва кириш имтиҳонларини топширганлар қабул қилинади.

Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати — 2 йил, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун 3 йил.

Колхоз ва совхозларга раҳбар кадрлар тайёрлаш бўлимларига колхоз ва совхозларнинг йўлланмалари билан келган кишилар учун ўқиш даврида уларнинг иш жойидаги маоши сақлаб қолинади ва ҳар ойда 100 сўмдан ошмаган миқдорда (стипендия ҳам қўшиб ҳисобланганда) ҳақ тўланади.

Р. 02123. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В. — 162.